



“Инсонларга пул бермадик,
ИМКОНИЯТ ВА
ЙЎЛ КЎРСАТДИК”

3-с.

ШОШҚАЛОҚЛИК ЭМАС,
ВАҚТ ВА САБР —
ЭНГ ТЎҒРИ ЕЧИМ!

4-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№55
(2383)

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

Maḥalla

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

УЮШМА КУНДАЛИГИ

“ЗАКОВАТ”ДА ЭНГ БИЛИМДОН МАҲАЛЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси кубоги” учун “Заковат” интеллектуал ўйинларининг туман (шаҳар) босқичлари бошланди.



Бўка туманида ташкил этилган турнирда ҳудуддаги 38 та маҳалладан 38 та жамоа иштирок этиб, ўз билими, мантиқий фикрлаши ва интеллектуал салоҳиятини синовдан ўтказди. Якуний натижаларга кўра, биринчи ўринни “Қўлдоштепа” маҳалласи, иккинчи ўринни “Мойтепа” маҳалласи, учинчи ўринни “Навобод” маҳалласи жамоаси эгаллади. Фолибларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Қўшқўпир туманида ўтказилган мусобақада тумандаги 47 та маҳалладан тuzилган жамоалар иштирок этди. Қизгин ва мurosасисиз баҳсларга бой ўтган беллашувлар якунига кўра, “Кенагас” маҳалласи биринчи ўринни кўлга киритди. Ундан кейинги поғоналарни “Баҳористон” ва “Кўктом” маҳаллалари жамоалари эгаллади. Биринчи ўринни банд этган “Кенагас” маҳалласи жамоаси вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди.

“Заковат” интеллектуал ўйинларининг Ғузор тумани босқичи ҳам юқори савияда ташкил этилди. Унда тумандаги 47 та маҳалла жамоаси ўзаро билим ва мантиқий фикрлаш баҳсида беллашди. Mypocасисиз ва қизиқарли кечган турнир якунида “Батош” маҳалласи биринчи, “Апарди” маҳалласи иккинчи, “Қорақўл” маҳалласи учинчи ўринни эгаллади.

“Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси кубоги” учун “Заковат” интеллектуал ўйинларининг туман (шаҳар) босқичлари давом этмоқда.



ТАШАББУС
АМЕРИКАДА

“ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ” ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

АҚШнинг Сиэтл шаҳрида истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳаётида муҳим воқеа юз берди. Америка диёрида илк маротаба “Ўзбек маҳалласи” жамоат бирлашмаси ташкил этилди.

Манба:
“Дунё” ахборот агентлиги.

Ушбу ташаббус юртдошлар ўртасидаги ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказишга хизмат қилди. Жамоани Вашингтон штати расман рўйхатдан ўтказди. Штат Давлат котиби Стив Хоббс маҳаллани ҳудуддаги илк ўзбек жамоаси сифатида қайд этгани мазкур ташаббуснинг тарихий аҳамиятини янада оширди.

Бугунги кунда Вашингтон штатида 3 мингдан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари ва келиб чиқиши ўзбекистонлик бўлган ватандошлар истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти Сиэтл ҳамда унинг атрофидаги йирик технология ва саноат компанияларида фаолият юритмоқда. Хусусан, “Microsoft”,

“Amazon”, “Google”, “Boeing”, “Oracle”, “NVIDIA” каби дунёга машҳур компанияларда ишлаётган юртдошларимиз дастурий таъминот, сунъий интеллект, муҳандислик, авиация, таълим, тиббиёт ва тадбиркорлик йўналишларида муносиб ўрин эгаллаган.

“Ўзбек маҳалласи”га асли ра размлик Мусо Холмуродов раис этиб сайланди. М.Холмуродов Вашингтон штати ҳукумат тизимида 15 йилдан ортиқ тажрибага эга бўлиб, айни пайтда штат Тузатиш ишлари департаментида раҳбарлик лавозимида фаолият юритмоқда.

Келгусида “Ўзбек маҳалласи” Сиэтлдаги ўзбекистонликларнинг ишончли таянчи ва ягона жамоавий платформасига айланиши кутилмоқда.



Мазкур ташаббус Сиэтлдаги ўзбекларнинг миллий ўзлигини сақлаган ҳолда АҚШ жамиятининг фаол қисмига айланиб бораётганини яққол намоён этади. Эндиликда Сиэтлда яна бир ўзбекона маскан — ахиллик ва ҳамжихатлик тимсоли бўлган “Ўзбек маҳалласи” фаолият бошлади.

БУГУНГИ СОНДА:

“Эрта тонгдан то кечга қадар меҳнатга иштиёқмандлар билан бандмиз”

Одамлар орасида юрган киши турли ҳолатларга гувоҳ бўлаверар экан. Бугун турмуш куриш арафасидаги йигит-қизларни кузатадиган бўлсак, кўпчилиги тайинли иш жойи ва касб-хунарга эга эмас...

4-с.

“Ҳар куни янги манзил, янги тақдирлар...”

Шаҳноза Исматова Шаҳрисабз шаҳрининг “Қорасув” маҳалласида ижтимоий ходим лавозимида ишлайди. У ҳар куни янги манзилдан, янги тақдирдан бошлайди. Фаолияти давомида 45 дан зиёд оилага кейс очиб, индивидуал режа тузган ва зарурий хизматлар кўрсатиб келяпти.

6-с.

Бозорларда очиклик рақамли тизимдан бошланади

Бозорга кирган одам, биринчи навбатда, нархни эмас, тартибни сезади. Савдо ўрнини излаб юрган тадбиркор, қаерда бўш жой борлигини билолмай сарсон бўлса ёки бирор муаммосини айтиш учун қуллаб бозор маъмурияти ортидан югурса, бу нафақат вақтни, балки ишонччи ҳам йўқотади.

7-с.

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”: БИР ЖАМОА, БИР МАСЪУЛИЯТ, БИР НАТИЖА

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан давлатимиз раҳбарининг “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш ҳамда унинг ижросини самарали таъминлаш мақсадида “Маҳалла еттилиги” аъзолари учун ўқув-амалий семинар ташкил этилди.



2026 йилнинг 8-9 июль кунлари бўлиб ўтган мазкур семинарда маҳалла бошқарувининг янги тизими, “еттилик” аъзоларининг ваколат ва масъулияти, аҳоли муаммолари-

ни манзилли ҳал этиш, давлат таъкилотлари ва жамоатчилик институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида соҳа мутаассадчилари ҳамда семинар иштирокчилари фармонда белгиланган устувор вазифалар, маҳалла раисининг стратегик раҳбар сифатидаги ўрни, ҳоким ёрдамчисининг маҳалла иқтисодиётини ривожлантиришдаги масъулияти, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ҳамда солиқ инспекторининг ўзаро ҳамкорлиги юзасидан фикр-мулоҳазаларни билдирди.

Фармон билан Маҳалла фаолиятини ривожлантириш бўйича республика комиссияси ташкил этилгани, “еттилик” аъзолари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларга услубий кўмак кўрсатиш ҳамда аҳоли муаммоларини ҳал қилишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш — унинг асосий вазифалари сифатида белгилангани алоҳида таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада.



ШАРОИТ, ҲУДУД ВА ИМКОНИЯТ БИР,
АММО НАТИЖА
НЕГА ҲАР ХИЛ?

8

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

СЕМИНАР

“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”: БИР ЖАМОА, БИР МАСЪУЛИЯТ, БИР НАТИЖА



Долли АЛЛАЕВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
ушмаси раиси ўринбосари:

— Президент фармони маҳаллани давлат ва жамият ўртасидаги муҳим бошқарув бўғини сифатида янада мустаҳкамлаш, “еттилик” фаолиятини такомиллаштириш ва аҳоли муаммоларини манзилли ҳал қилишнинг замонавий тизимларини жорий этишга қаратилган.

Сўнгги йилларда маҳалла институтини ривожлантириш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. “Еттилик” тизими ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу билан бирга, амалиёт бу тизимда давлат ташкилотлари билан ҳамкорлики янада кучайтириш, рақамли бошқарувни тўлиқ жорий этиш ва маҳаллаларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш зарурлигини кўрсатди.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан бири — “еттилик” фаолиятини натижага йўналтирилган жамоавий бошқарув модели асосида ташкил этишдир. Эндиликда ҳар бир аъзо фақат ўз йўналиши билан чекланмайди, балки маҳалладаги умумий натижа учун биргаликда масъул бўлади.

Фаолиятни баҳолашда ҳам асосий эътибор жараёнга эмас, натижага қаратилади. Яъни маҳаллада ишсизлик қамайдими, янги иш ўринлари яратилдими, камбағаллик қисқардими, ҳуқуқбузарликларнинг олди олиними, аҳоли муурожаатлари ўз вақтида ҳал этилдиими — ана шу кўрсаткичлар асосий мезонга айланади.

“Рақамли маҳалла” платформаси эса муурожаатлари ягона электрон базага киритиш, ижро назоратини кучайтириш ва маҳаллалар фаолиятини замонавий мезонлар асосида таҳлил қилиш имконини беради. Бугунги асосий вазифа — фармонда белгиланган меъёрларни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш, “еттилик”нинг жамоавий ишлаш тамойилини қарор топтириш ва ҳар бир хонадон билан манзилли ишлашни янада кучайтиришдан иборат.




Сирожиддин БОБОҚУЛОВ,
Камбағалликни қисқартириш
ва бандлик вазир ўринбосари:

— Фармонга мувофиқ ҳоким ёрдамчилари маҳалла иқтисодиётини ривожлантириш бўйича бош менежер сифатида фаолият юритади. Ҳар бир маҳалланинг иқтисодий имкониятларини ишга солиш, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва камбағалликни қисқартириш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бунинг учун маҳалланинг иқтисодий салоҳияти чуқур таҳлил қилинади. Хонадонларнинг бандлиги, ер ва мулк ресурслари, тадбиркорлик имкониятлари ҳамда ички захиралар ўрганилиб, маҳалланинг ривожланиш бизнес режаси ишлаб чиқилади. Ҳоким ёрдамчисининг фаолияти яратилган иш ўринлари, ташкил этилган янги бизнес субъектлари ва аҳоли даромадларининг ўсиши билан баҳоланади.

Фармонда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш, меҳнат миграциясидан қайтганларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, кредит ва субсидияларни жалб қилиш ҳоким ёрдамчисининг кундалик фаолиятида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги йилларда камбағалликни қисқартириш борасида эришилган натижалар ислохотларнинг амалий самарасини кўрсатмоқда. 2021 йили 17 фоизни ташкил этган камбағаллик даражаси 2025 йил якунларига келиб



Мукаррам НУРМАТОВА,
Оила ва хотин-қизлар кўмитаси
раиси ўринбосари:

— Фармон “еттилик” фаолиятини янада самарали ташкил қилиш, уларнинг ваколат ва масъулиятини аниқ белгилаш ҳамда аҳоли муаммоларини комплекс ҳал этиш тизимини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу жараёнда маҳалла хотин-қизлар фаолининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади.

Оилавий низолар, ажралиш хавфи, ишсизлик, алимент, эрта никоҳ, миграция, тарбияси оғир қизлар, таъйиқ ва зўравонлик каби муаммолар, аввало, маҳалла даражасида намоён бўлади. Шу боис хотин-қизлар фаоли муаммони биринчи бўлиб аниқлайдиган ва уни барвақт ҳал қилишга кўмаклашадиган масъул ҳисобланади.

Эндиликда ҳар бир муурожаатга фақат битта муаммо сифатида эмас, балки комплекс ёндашув асосида қараш зарур. Масалан, ишсизлик ҳақида муурожаат қилган аёлнинг муаммоси замирида оилавий низо, қарздорлик, фарзанд тарбияси, тиббий ёки психологик муаммолар ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир ҳолат “еттилик”, психолог, ҳуқуқшунос, тиббиёт ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда чуқур ўрганилиши лозим.

Муурожаатни бошқа идорага юбориш билан иш битмайди. Хотин-қиз кўрсатилган хизматдан фойдаландими, муаммоси ҳал бўлдики, оилада барқарорлик таъминландими — ана шу натижага эришилмагунча ҳолат назоратдан чиқмаслиги керак.



Раҳимжон НАИМОВ,
Ички ишлар вазирлиги Жамоат
хавфсизлиги департаменти
ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизмати
бошлиғи ўринбосари —
бошқарма бошлиғи:

— Фармон маҳалла тизимида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини янги босқичга олиб чиқиш ва аҳоли муаммоларини барвақт аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Эндиликда профилактика инспектори фақат ҳуқуқбузарлик содир этилгандан кейин чора кўрадиган ҳодим эмас. У маҳаллада жиноятчиликнинг олдини оладиган, криминоген вазиятни таҳлил қиладиган, хавф омилларини барвақт аниқлайдиган ҳамда давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштирадиган асосий масъуллардан бири ҳисобланади.

“Хавфсиз маҳалла” деганда, аҳолининг тинч ва осойишта ҳаёти таъминланган, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимли йўлга қўйилган, давлат ташкилотлари ва жамоатчилик ҳамкорлиғи самарали ташкил этилган ҳудуд тушунилади. Бундай маҳаллада муаммолар содир бўлганидан кейин эмас, балки уларнинг олдини олиш асосий вазифа сифатида белгиланади.

Профилактика инспектори маҳалладаги ижтимоий ҳолат, оилалардаги муаммолар, ёшлар ўртасидаги салбий ҳолатлар, маиший низолар, ишсизлик, қарздорлик ва таълимдан четда қолиш каби омилларни доимий таҳлил қилиб бориши зарур. Ана шу таҳлиллар асосида профилактик тадбирлар режалаштирилади.



Бу жараёнда инспектор маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ҳодим, солиқ инспектори, таълим ва тиббиёт муассасалари билан биргаликда иш олиб боради. Ҳамкорлик қанчалик самарали бўлса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш шунчалик натижадор бўлади.



Шухрат ИСМОИЛОВ,
Солиқ кўмитаси департаменти
бошлиғи ўринбосари:

— Фармон солиқ хизмати органлари олдига ҳам мутлақо янги вазифаларни қўймоқда. Эндиликда маҳалла солиқ инспектори фақат солиқ маъмурчилиги билан шуғулланувчи ҳодим эмас, балки маҳалланинг иқтисодий салоҳиятини баҳолайдиган, мавжуд резервларни аниқлайдиган ва иқтисодий фаолликни ошириш жараёнида фаол иштирок этадиган масъулга айланмоқда.

Бу ҳар бир маҳалла кесимида иқтисодий ҳолатни чуқур таҳлил қилиш, солиқ базасини кенгайтириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришга кўмаклашиш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни талаб этади.

Эндиликда ҳар бир маҳалланинг солиқ салоҳиятини баҳолаш ва иқтисодий ҳаритасини шакллантириш муҳим вазифалардан бирига айланади. Бунинг учун бўш турган объектлар, фойдаланилмаётган ер майдонлари, ҳисобга олинмаган мол-мулк объектлари ҳамда расмий рўйхатдан ўтмасдан иқтисодий фаолият юритаётган шахслар тўлиқ хатловдан ўтказилади.



Абдуназар САЛИМОВ,
Ижтимоий ҳимоя миллий
агентлиги бошқарма бошлиғи
ўринбосари:

— Фармонга мувофиқ, ижтимоий ҳодим зиммасига оғир ахволга тушиб қолган ёки бундай хавфи юқори бўлган шахслар ва оилаларга маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатиш, уларнинг эҳтиёжларини баҳолаш, индивидуал ижтимоий хизмат режаларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш каби муҳим вазифалар юкланган.

Ижтимоий ҳодимнинг маҳалладаги фаолияти фақат моддий ёрдам кўрсатиш билан чекланмайди. У ҳар бир оиланинг ҳақиқий эҳтиёжини ўрганади, муаммони аниқлайди ва уни ҳал этиш учун зарур хизматларни белгилайди. Бу жараёнда “еттилик” билан ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга.

2026 йилнинг биринчи ярим

йиллигида ижтимоий ҳодимлар 183,8 мингта оила бўйича кейслар очиб, улар доирасида фуқароларга 344,7 мингта ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиши белгиланган. Ушбу кейсларнинг асосий қисмини кам таъминланган ва иқтисодий хатарлар кузатилган 82,9 мингта оила ташкил этган.

“Саховат ва кўмак” жамғармаси орқали ёрдам кўрсатиш масалалари ҳам бевоқифа маҳалла даражасида, “еттилик”нинг коллегиял қарори асосида ҳал этилмоқда. Биринчи ярим йилликда 143,2 минг нафар фуқарога озиқ-овқат, кийим-кечак, коммунал харажатлар, уй-жой таъмири, даволаниш, ижара тўловлари ва бошқа йўналишларда манзилли ёрдам кўрсатилган.

Умуман олганда, фармон ижтимоий ҳодим фаолиятига янги мазмун ва катта масъулият юқлади. Эндиликда ижтимоий ҳодим маҳаллада аҳоли дардини эшитадиган, муаммони баҳолайдиган, зарур хизматларни ташкил этадиган ва инсонни оғир вазиятдан олиб чиқишга кўмаклашадиган муҳим бўғинга айланмоқда.



Нуриддин ШОДИЕВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
масъул ҳодими:

— Бугун республикамизнинг 8 992 та маҳалласида ёшлар етакчилари ҳар бир йигит-қизнинг ҳаёт тарзи, қизиқиши, эҳтиёжи ва муаммоларини ўрганиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Сўнгги тўрт йилда 1,5 миллион нафардан ортиқ ёшлардан келиб тушган муурожаатларнинг 92 фоизи маҳалланинг ўзида ижобий ҳал қилингани бу тизимнинг самардорлигини кўрсатади.

Ёшлар бандлигини таъминлаш етакчилар фаолиятининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Фуқаробой” ишлаш тизими ва “Ёшлар бандлик дастури”лари орқали сўнгги тўрт йилда 1,5 миллион нафар ёшнинг доимий бандлиги таъминланди. Ёшлар етакчиларининг тавсияси билан 153 минг нафар ёшга 56 минг гектар ер майдони ажратилди.

Ёшлар етакчилари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “оталикка олиш” тизими натижасида ҳуқуқбузарликка мойил ёшлар билан манзилли ишлаш имконияти кенгайди. “Қалқон” жамоатчилик патруллик гуруҳлари эса маҳаллаларда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда муҳим таянчга айланмоқда.

Ёшлар етакчилари институти давлат хизмати учун ҳам ўзига хос кадрлар мактабига айланди. Сўнгги йилларда маҳаллада тажриба орттирган, аҳоли билан ишлаш кўмасига эга бўлган 1 493 нафар ёшлар етакчиси давлат фуқаролик хизматида масъул лавозимларга тайинланди, 120 нафари депутат сифатида аҳолининг ишончини қозонди.

Бугунги кунда ёшлар етакчиси фақат тадбир ташкил этувчи ёки

муурожаат қабул қилувчи мутахассис эмас. У ҳар бир йигит-қизнинг таълими, бандлиги, тадбиркорлиги, бўш вақти ва келажаги учун масъул лидерга айланмоқда. Фармонда белгиланган вазифалар ҳам ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларни мамлакат тараққиётининг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган.



Ахрор ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари
ушмаси бўлим бошлиғи:

— Ушбу ҳужжат билан маҳалла раисининг мақоми ва ваколатлари кенгайтирилиб, унинг ҳудудни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришдаги ўрни мустаҳкамланди. Эндиликда маҳалла раиси фақат “еттилик” аъзоларининг ишини мувофиқлаштирувчи эмас, балки уларни ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи стратегик раҳбар сифатида фаолият олиб боради. У маҳалладаги мавжуд имкониятлар, аҳолининг эҳтиёжлари, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари ва муаммоларини чуқур ўрганиб, улар асосида устувор вазифаларни белгилаши лозим.

Фармонда “еттилик” аъзоларининг ўзaro ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Чунки маҳаллада учрайдиган аксарият масалалар бир нечта соҳа билан боғлиқ бўлади. Масалан, ишсиз фуқаронинг банд қилиш масаласида ҳоким ёрдамчиси билан бирга ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, ижтимоий ҳодим ва бошқа масъулларнинг ҳамкорлиги талаб этилади. Маҳалла раиси эса ушбу ишларни умумий режа асосида мувофиқлаштириб боради.

Маҳалла раиси зиммасига юкланган муҳим вазифалардан яна бири — аҳоли билан мунтазам мулоқот ўрнатишдир. Одамларнинг муурожаатига эътибор билан ёндашиш, уларни қийнаётган масалаларни тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳал қилиш маҳалла бошқарувининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Янги тартибга мувофиқ, маҳалла доирасида ҳал этиш имкони бўлмаган масалаларни туман ёки шаҳар ҳокимига мунтазам кiritиб бориш тизими ҳам белгиланди. Хусусан, мактаб ва боғча қуриш, йўللарни таъмирлаш, ичимлик суви, электр таъминоти ёки тиббий хизмат билан боғлиқ йирик масалалар асосланган тақлифлар орқали мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этилади. Бу маҳаллада аниқланган муаммоларнинг тегишли даражаларда қўриб чиқиши таъминлайди.

Шунингдек, маҳалла раиси коммунал ва сервис хизматлари фаолиятини ўрганиши, қўп квартиралы уйлари бошқарувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши, ҳудудларни ободонлаштириш ва аҳоли учун қўлай яшаш муҳитини яратишга кўмаклашиши белгиланган. Бу вазифалар маҳалла раисидан ташаббускорлик, ташкилотчилик кўникмасини талаб этади.

СЎЗ — СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Зарифа КАРИМОВА,
Шароф Рашидов туманидаги
“Яхтанлик” маҳалласи раиси:

— Давлатимиз раҳбарининг фармони маҳаллани халқ билан давлат ўртасидаги ҳақиқий “қўприк”ка айлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Фармонда “еттилик” аъзоларининг вазифалари аниқ белгилаб берилгани ҳар бир масъулнинг ўз йўналиши бўйича самарали ишлашига хизмат қилади. Маҳалла раиси сифатида 20 йилдан буюн фаолият юритаман. Авваллари маҳалла раиси ҳозирги “еттилик” бажарётган кўплаб вазифаларни деярли яқка ўзи амалга оширарди. Бугун эса ҳар бир йўналиш бўйича масъуллар бор, уларга зарур имконият ва шароитлар яратилган.

Энг муҳими, берилган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, Ватанимиз ва маҳалламиз равнақи учун чин дилдан хизмат қилишимиз зарур.

Маъруфжон РУСТАМОВ,
Бағдод туманидаги “Чуваланчи” маҳалласи ёшлар етакчиси:

— Фармон юзасидан ташкил этилган ўқув-амалий семинарда иштирок этиб, “еттилик” аъзоларининг вазифа ва масъулиятлари янада аниқ белгилаб берилганига амин бўлдим. Айниқса, ёшлар билан ишлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, тадбиркорликка жалб қилиш бўйича муҳим тавсияларга эга бўлдим.

Фармонда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқбузарлик ва турли салбий иллатларнинг олдини олиш, ёшларни ватанпарвар, билимли ва ташаббускор қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифаларни маҳалла даражасида тизимли амалга ошириш ёшлар келажагини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Семинар биз учун катта амалий мактаб бўлди. Келгусида олган билимларини асосида маҳалламиз ёшларининг иқтидорини рўёбга чиқариш ва уларнинг фаоллигини ошириш йўлида самарали иш олиб борамиз.

Навбахор РАСУЛОВА,
Ўрта Чирчиқ туманидаги
Усмон ота номидаги маҳалла
ижтимоий ҳодими:

— Президент фармони ижтимоий адолатни таъминлаш, аҳолининг кўмакка муҳтож қатламларини манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Айниқса, аҳоли муаммоларини “хонадонбай” ўрганиш, аниқланган масалаларни “Рақамли маҳалла” электрон платформаси орқали тезкор ва шаффоф ҳал этиш тизими ижтимоий ҳимоянинг манзиллигини янада кучайтиради. “Еттилик” таркибда ижтимоий ҳодимларнинг роли кучайтирилиши эса аҳоли билан сифатли ва тизимли ишлаш имкониятини кенгайтиради.

Биз ҳар бир фуқаронинг дардини тинглаш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллада соғлом ва фаровон ижтимоий муҳитни қарор топтириш йўлида бор билим ва тажрибамизни сафарбар этамиз.

Семинар давомида билдирилган фикрлардан кўриниб турибдики, Президент фармони маҳалла тизими фаолиятини янгича ёндашув асосида ташкил қилиш, “еттилик” аъзоларининг масъулиятини ошириш ва аҳоли муаммоларини жойида ҳал этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Эндиликда маҳалладаги ҳар бир масъул ўз йўналиши бўйича алоҳида эмас, балки ягона жамоа сифатида ишлаши, ҳар бир муурожаатга манзилли ёндашиши ва энг асосийси, амалий натижага эришиши лозим. Чунки маҳалла тараққиёти, аҳоли розилиги ва инсон қадрини упуллаш — ушбу ислохотларнинг бош мақсадидир.

Маъмуржон МАҲМУД
тайёрлади.



Ўзбекистонда
МИЛЛИЙ
НАВИГАЦИЯ
ТИЗИМИНИ
ЯРАТИШ
таклиф этилди.



Шаҳарсозликда
рухсат бериш
тартибига
НОҚОНУНИЙ
АРАЛАШГАНЛИК
ЖИНОИЙ
ЖАВОБГАРЛИККА
сабаб бўлади.



Ўзбекистонда
МЕҲНАТ
НИЗОЛАРИНИ
КЎРИШГА
ИХТИСОСЛАШГАН
судьялар фаолияти
йўлга қўйилади.

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

Mahalla №55

3

ОДАМЛАР ДАРОМАД ТОПИШИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ!

МАҲАЛЛАДА САНОАТ ВА ХИЗМАТ


Бундан бир неча ой олдин маҳалладошимиз — инглиз тилини мукамал биладиган бир йигит идорамизга кириб келди. У хорижий тил ўргатувчи марказ очиш нияти борлигини, аммо маблағи йўқлигини айтди. Кўзларида ўт чакнаб турарди, лекин молиявий қийинчилик қўл-оёғини боғлаб қўйган эди. Биз у билан узоқ суҳбатлашдик, керакли ёрдамни бердик. Бугун ўша йигит ўқув марказини очди. Бу ерда кўплаб ёшлар хорижий тилларни ўрганмоқда. Мана шу каби меҳнатининг самарасини кўрганда, кўнглим таскин топади.

“Инсонларга пул бермадик,

ИМКОНИЯТ ВА
ЙЎЛ КЎРСАТДИК”

Иzzатбек РАҲИМОВ,
Хива шаҳридаги “Гулшан-2” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Хар куни ишга отланиб, ўзимга “бугун қайси инсонга қандай ёрдам кўрсата оламан, кимнинг тақдирини ўзгартиришга ҳисса қўшаман”, деган саволни бераман. Кимдир имтиёзли кредит олиш истагиди, кимдир тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида, умуман, маҳалла идорасига келган ҳар бир инсоннинг ўз муаммоси бор. Ҳар бир мурожаатчига алоҳида эътибор бериб, муаммосига ечим топишга қумаклашялман. Аслида ҳам, бош вазифам — шунчаки ҳисобот тўлдириш эмас, балки одамларнинг ичига кириш, уларнинг қўлидан келадиган хунарни даромад манбаига айлантириш.



Худудда 9 204 нафар аҳоли яшайди. “Усиш нукта”миз — савдо ва хизмат кўрсатиш. Бозор атрофидаги хонадон эгалари тадбиркорлик билан шуғулланади. Қолаверса, катта йўлнинг икки четиди савдо объектлари, хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилган.

Жорий йилда жами 40 та кичик лойиҳани ҳаётга татбиқ этишни мақсад қилганмиз. Бу орқали камида 80 нафар ишсиз фуқарони доимий банд қилишни режалаштирганимиз. Масалан, юқорида айтганим, ўша тил ўргатишга иштиёқи баланд йигитга 130 миллион сўм ссуда ажратилишига қумаклашдик. Натижада замонавий инглиз тили ўқув маркази иш бошлади.

Бу каби ҳаётий мисоллар кўп. Улардан бири Сардорбек Комилов бўлиб, имтиёзли кредит эвазига ўз тадбиркорлигини бошлади. Эътиборли жиҳати, имконияти чекланган, норигорлиги бўлган инсонлар ҳам боқиманда кайфиятда давлатдан ёрдам кутиб ўтирмайди. Масалан, Баҳром Мадримов 2-гурӯх ногирони бўлса-да, имтиёзли кредит олиб, ўзини ўзи банд қилди. Қолаверса, яна иккита иш ўрни яратди.

Маҳалламизда техникага қизиқадиган, аммо шароити йўқ йигит бор эди. Унга 50 миллион сўм имтиёзли кредит расмийлаштириб бердик. Бугун автомобилларга техник хизмат кўрсатиш борасида ўз ишининг устасига айланди. Бошқа бир хунарманд йигитимиз 30 миллион сўм фойсиз имтиёзли кредит ҳисобига мебель ишлаб чиқариш устaxonасини очди. Энди у нафақат ўзини, балки тенгдошларини ҳам иш билан таъминлаяпти.

Ҳоким ёрдамчиси сифатида шуни айти оламанки, одамларга пул бериш эмас, уларга имконият ва йўл кўрсатиш муҳим. Бизда тадбиркорлик тушунчаси шунчаки сўз эмас, балки тўқилик ва барака манбаидир.



Сахифани
“Mahalla” мухбири
Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“ТАШАББУСКОРЛИК, ТЎҒРИ ЁНДАШУВ ОРҚАЛИ ТЎСИҚЛАРНИ ЕНГИБ ЎТДИК”

Маҳалламиз туман марказидан нақд 170 километр узоқликдаги, сахро бағрида жойлашган энг олис ҳудудлардан бири саналади. Бу ерда 1 654 нафар аҳоли истиқомат қилади. Энг катта қийинчилигимиз — ҳудудимизнинг кенглиги ва овулларнинг бир-биридан 40–60 километр масофада тарқоқ жойлашгандир.

Маратбек СУЛЕЙМЕНОВ,
Томди туманидаги “Аяққудук” маҳалласи раиси.



Асосий иқтисодий “драйвер” — чорвачилик. Аммо фақат шу соҳа атрофида чекланиб қолмадик. Йирик саноат корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинати билан шартнома тузиб, 60 нафар ҳамюртимизни юқори даромадли ишга жойлаштирдик. Шунингдек, ҳудуддаги Ўзбекистон-Франция қўшма корхонасига яна 30 нафар ишсиз фуқаро ишга қабул қилинди.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида ишсизлик муаммоси тўлиқ барҳам топди. Аҳолининг бандлиги ва барқарор даромад манбаига эга эканлиги тўғрисида жиноятчилик умуман қайд этилмайдиган хавфсиз ҳудудга айландик.

Тажрибамизда “ҳар бир хонадонга индивидуал ёндашув” тамойили асосий ўринда туради. Яъни, инсонларнинг қизиқиши, ижтимоий аҳволи, қобилиятига кўра, бандлиги таъминланмоқда. Бунга бир неча ҳаётий мисолларни келтириш мумкин.

Мисол учун, Гавҳар Анорбекова оиласига имтиёзли кредит ажратилди, турмуш ўртоғи эса доимий иш билан таъминланди. Натижада ушбу оила қисқа фурсатда камбағалликдан муваффақиятга чиқди.

Яна бир ҳамюртимиз Акпейл Утепова ўзини ўзи банд қилган бўлса, турмуш ўртоғи корхонага ишга жойлаштирилди. Шу тарзда оила бюджетига мустақам пойдевор қўйилди.

Чекка ва олис ҳудудда яшаш — тараққиётдан ортда қолиш, дегани эмас. Тажрибамиздан аён бўлганидек, ишни тўғри ташкил этиш, ташаббуслар чекка овулларини ҳам намунали масканга айлантира олади.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ!

Ёзининг чилласи келиши билан нафақат одамлар, балки боғдаги дарахтлар, пишиб етилаётган мевалар ҳам салқинлик соғинади. Айниқса, боғбоннинг кўз қувончи бўлган олмалар бундай иссиққа жуда сезувчан.

Муҳиддин САЙФИЕВ,
Қишлоқ ҳўжалиги
вазирлиги бошқарма
бошлиғи.

Мевалар ҳам
салқинликни
соғинади



Энг оддий ва табиий усул — барглار сонини ошириш. Зич барглار соябон каби нурдан асрайди. Аммо жуда кўпайиб кетса, мевалар чиройли ранг олмай қолиши мумкин.

Меваларни сийраклаштириш (нобудларини териб ташлаш) ишларини асло ортга сурмаслик зарур. Олмалар ҳам сояда соғлом ўсиши, ҳам вақти келганда қуёшдан ўз рангини олиши керак. Бунинг учун тажрибали боғбонлар терим бошланишидан 3 ҳафта олдин олма дарахтларининг шохларини енгил кесиб, меваларга қуёш нури тегишини таъминлаяпти.

Ушбу оддий қоидаларга амал қилиш — меҳнатингиз махсули бўлган ҳосилни асраб қолишга ва кузда бозорларга энг сара, бежирим олмаларни олиб чиқишга замин яратади.

ТАЖРИБА

350 ТА ИССИҚХОНАДА
700 та иш ўрни
яратилди

Бугун юрти-мизда “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида аҳолини банд қилиш ва уларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Олтиариқ туманидаги “Зилол” маҳалласи бу борада кўплаб ҳудудларга намуна бўла оладиган ўзига хос тажриба мактабини яратди.



Мафтуна МАМАСИДДИҚОВА.

Маҳаллада ташкил этилган 350 та замонавий иссиқхона кооперацияси бугунги кунда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг бош омилига айланди. Мазкур иссиқхоналар шунчаки экин майдони эмас, балки юзлаб оилалар учун барқарор даромад ва янги иш ўринлари демакдир. Ҳар бирида 2 тадан иш ўрни яратилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу лойиҳа орқали ишсиз ёшлар ҳамда меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларнинг бандлиги тўлиқ таъминланмоқда. Кечагина ўзга юртларда ризқ қидириб юрган юртдошларимиз бугун ўз хонадонлари ва маҳаллаларида тадбиркорлик бошлаб, юқори даромадга эга бўлишмоқда.

Томорқачиларимиз ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлган экспортбўл помидор, бодринг ҳамда турли хил қўчатлар етиштиришнинг ҳадисини олишган. Юқори ҳосилдорлик ва махсулот сифатини таъминлашда эса замонавий технологиялардан унумли фойдаланилмоқда.

Хусусан, термос усулидаги иссиқхоналар қиш ва баҳор ойларида ҳароратни бир меъёрга сақлаб, энергия тежамкорлигини оширмоқда. Томчилатиб суғориш тизими сув манбаини тежаш ва ўғитларни ўсимлик илдицига етиб боришини таъминлаяпти.

Бу каби замонавий ёндашувлар кам харажат қилиб, бир неча баробар кўп ҳосил олиш ҳамда маҳаллий маҳсулотларнинг ташқи бозорларда рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилмоқда.



Ўзбекистон
ДАВЛАТ
ХАРИДЛАРИ
ТИЗИМИ
халқаро стандартлар
асосида
такомиллаштирилади.



Қорақалпоғистон
Республикасида ташкил
этилган “BESQALA
MINING VALLEY” МАХСУС
МАЙНИНГ ХУДУДИ
резидентлари учун янги
қоидалар тасдиқланди.



Фильмларини
Ўзбекистонда суратга
олган хорижий
кинокомпанияларига
ХАРАЖАТИНИНГ
БИР ҚИСМИ
ҚАЙТАРИЛАДИ.

4

Mahalla

№55

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

“ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ —
ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”



САМАРҚАНД

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Бугунги иш кунимни
можаро келиб чиққан
хонадонда бошладим.
Эрнинг қизлари билан
сўроқсиз мавсумий ишга
чиқиб кетган хотинидан
қаттиқ жаҳли чиққан. Ҳеч
кимни эшитишга тоқати
йўқ эди. Бир муддат аёлни
ёнимизга олиб, насиҳат
қилдик. Бахтли турмуш
кечиришнинг сирини — ўзаро
келишиб яшашда эканини
тушунтирдик.

Феруза АҲМЕДОВА,
Булунғур туманидаги “Нурли йўл”
ва “Гулзор” маҳаллалари
хотин-қизлар фаоли.

Орадан бироз вақт ўтиб, эр-
как ҳам сал юмшади. У би-
лан ҳам алоҳида суҳбатлаш-
дик. Турмушнинг шундай
паст-баландларини энгиб ўтишда сабр
ва ирода кучининг аҳамияти каттали-
гини бафуржа сўзладик.
Уринишларимиз бесамар кетма-
ди. Охир-оқибат эр-хотинни муро-
сага келтиришга эришдик. Шу орқали 5 на-
фар фарзандни тирик етим бўлишдан
сақлаб қолдик. Тўғрисини айтсам, бу на-
тижадан жуда хурсанд бўлдим.

“БИР КЎЧА — БИР ЙЎНАЛИШ:
янги ташаббус билан янгича ечим”

Айни вақтда иккита маҳалла ҳу-
дудидаги хотин-қизлар билан бирга
ишлаб келяпмиз. Ҳар иккисидаги ва-
зиятни баробар олиб боришга хара-
кат қиляпмиз. Айниқса, аёлларнинг
тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қув-
ватлаш асосий мақсадимизга айлан-
ган. Хусусан, Дилфуза Холбоева ўзи-
нинг кўчасидаги 20 та хонадон аёлла-
рини тикув машиналари билан таъ-
минлади. Энди уларга мато етказиб
бериб, бандлигига қўмаклашяпти.
Чеварлар замонавий кўрпа-тўшаклар
тикиб, савдога чиқаряпти.

Тадбиркорнинг мазкур ташаббусини муно-
сиб рағбатлантириш мақсадида туман ҳоким-
лиги уларнинг кўчасини асфальт қилиб бер-
ди. Келгусида шундай янгиликларга қўл урган
фуқароларнинг кўчасидаги муаммоларни бар-
тараф этишга қўмаклашиш ғояси илгари сури-
ляпти.

Сайёра Қодирова ҳам жуда ҳаракатчан
аёлларимиздан. У ховлисидаги 15 сотихли то-
морқасида хориждан олиб келинган қўлпўнай
етиштиришни бошлади. Биринчи олинган дар-
ромаддан кейин оила вакиллари ижара асо-
сида 1 гектар ер олиб, у майдонга ҳам мазкур
экинни экишди.

“
Миришкорнинг муваффақият-
ларидан илҳомланиб, 32 та хо-
надон вакиллари ҳам қўлпўнай
етиштиришга киришди. Бу иш-
сизлик даражасини камайти-
риш, фуқароларнинг тўкин-со-
чин яшашига хизмат қилаётгани
билан жуда аҳамиятли. Тез орада
мазкур кўчада ҳам таъмирлаш
ишлари бошлаб юборилади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

“Эрта тонгдан то кечга қадар
меҳнатга иштиёқмандлар
билан бандмиз”



НАВОИЙ

Маҳалламиз
туман маркази-
да жойлашган
боис доим
гавжум. Ке-
либ-кетувчилар
сони жуда кўп.
Хизмат кўрса-
тиш ва савдо
йўналиши яхши
ривожланган.
Шу боис бе-
корчи одам-
нинг ўзи топил-
майди. Ҳамма
эрта тонгдан то
кечга қадар ўз
юмушлари би-
лан овора.

Наби СОБИРОВ,
Қизилтепа туманидаги
“Ўзбекистон” маҳалласи раиси.

Охирги йилларда мустақил
иш бошлаш истагини
билдираётганлар сафи
анча кенгайган. Масалан,
жорий йил бошидан буён
45 кишига имтиёзли кредит ажратилди.
Уларнинг 2 нафари янги лойиҳа устида
ишляпти. Ҳар бир ғоя ва ташаббус эса
аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётган
ни билан аҳамиятли.

Лайли Шухратова 2025 йилда миллий
ширинликлар ишлаб чиқарадиган корхона
очди. Аёлга имтиёзли равишда
33 миллион сўм кредит ажратилди. Қисқа
фурсат ичида тадбиркор яхши натижа-
ларни қўлга киритди. 9 та иш ўрни яратиб,
хотин-қизларнинг доимий бандлигини
таъминлади. Келгусида у фаолиятини кен-
гайтириб, иш ўринларининг сонини
18 тага етказмоқчи.



Мазкур ҳудудда иш бошлаганимга бир йилдан ошди. Ўша
вақтда битта кўчамизга ичимлик сув етиб бормаган эди. Биринчи
навбатда, мазкур муаммони бартараф этишга киришдик. Хона-
донларга кириб борган обихаёт фуқароларнинг мушкулени осон
қилди. Қолаверса, янги қурилган кўп қаватли уйлар олдида 3 та
чикиндихона қуриб берилди.

Маҳаллада “етилик” ходимлари билан бир ёқадан бош чиқариб
ҳаракат қилишга урганганмиз. Ҳеч ким ишдан қочмайди. Ҳамма сид-
қидилдан меҳнат қилади. Эришяётган натижаларимизни эса бутун
халқимизнинг ютуғи, деб биламиз.

“Одамлар орасида юрган киши турли
ҳолатларга гувоҳ бўлаверар экан. Ай-
ниқса, оилавий муносабатлар масаласи
доим долзарб. Бугун турмуш қуриш ара-
фасидаги йигит-қизларни кузатадиган
бўлсак, ҳуқуқлиги тайинли иш жойи ва
касб-хўнарга эга эмаслигига гувоҳ бўл-
япмиз. Бу эса айрим вақтлар рўзғорнинг
кам-кўстини бутлаш, тинч-хотиржам
ҳаёт кечириш ва ўзаро муро-са қилиб
яшашга тўсиқ бўлаётганини кўрапмиз.

Мазкур муаммога ечим то-
пиш учун айрим тақлифларни
илгари сурмоқчиман. Ҳудуд-
ларда ташкил этилган Ёшлар-
ни оилавий ҳаётга тайёрлаш
маркази қолшида махсус комиссия
сузулиши керак. Нуруний,
фаоллар ва маҳалла раисидан
иборат кенгаш аъзолари бўла-
жак келин ва кўёвнинг қўлидан
қандай иш келишини сино-
вдан утказиши керак. Қизлар ҳеч
бўлмаса тикувчиликни эпласа,
ийигитларнинг пайвандлаш, сар-

тарошлик ёки уй таъмиридан
хабардорлиги нақадар яхши.
Тўғри, бугун ёшлар ораси-
да илм олиш, олий маълумот
эгаллаш иштиёқи тобора ортиб
борапти. Лекин баъзан қўлига
диплом олган мутахассис ҳам
хоҳлаган вақтида иш топа ол-
маслиги мумкин. Бу эса маълум
муддат моддий етишмовчилик-
ка сабаб бўлади. Шу боис ҳунар
эгаси бўлмаган келин-кўёвлар-
ни махсус курсларга йўналти-
риш зарур.

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЁРҚИН ҲАЁТИ

Бугун “Аёллар дафтари” тизими минглаб хотин-қизлар ҳа-
ётида янги саҳифа очиб, уларнинг орзу-интилишларини
рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.

АЁЛ ОРЗУСИ САРИ
очилган энг ишончли
саҳифа

Нигина ШОЕВА, журналист.

Ушбу тизим орқали эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммолари ўр-
ганилиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш, касб-хўнарга ўқитиш,
тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун амалий қўмак бериш,
имтиёзли кредитлар ажратиш каби қатор имкониятлар яратил-
япти. Шўрчи туманида ҳам мазкур тизим доирасида самарали ишлар изчил
давом этмоқда.

Хусусан, “Ободон”, “Бўстон” ва “Оққўрғон” маҳаллаларида истиқомат
қилувчи, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бугунги кунда ўз
тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оиласига муносиб даромад кел-
тирмоқда. Улар ўз меҳнати билан нафақат рўзгорини обод қилмоқда, балки
бошқа аёлларга ҳам ибрат бўляпти.

Шундай фаол аёллардан бири — “Оққўрғон” маҳалласида яшовчи Назо-
кат Очилдиева.



— Қанийди, биз аёлларга
ҳам имконият берилса, тад-
биркорлик қилиб, қўлимиздан
иш келишини исботласак, де-
ган орзуим бор эди, — дейди
у самимиёт билан. — Маҳал-
ла фаоллари менинг имкония-
тим ва қизиқишимни инобат-
га олиб, “Аёллар дафтари”га
кириштишди. Бугун эса нафақат
ўзим меҳнат қилиб даромад
топяпман, балки маҳалламиз-
даги хотин-қизларга ҳам ти-
кувчилик сирларини ўргатиш-
га ҳаракат қиляпман.

Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМХУҲАЕВА
тайёрлади.

ДАРОМАД МАНБАИ

Ҳар йили ипак қурти парваришлаб келаман,
тажрибамизни ёш келин, жувонларга ўргатаймиз.
Бу йил маслаҳатлашиб, овсинлар, яқин қариндош ва
қўшнилاردан иборат олти нафар хотин-қиз 25 қўти ипак
қуртини боқишга келишиб олдик.

Бир мавсумда пилладан
80 МИЛЛИОН СЎМ
ДАРОМАД!



Маҳфуза МАРДУМАРОВА.
Дўстлик туманидаги “Саритепа” маҳалласи.

Киска давр бўлса-да, ипак қурти боқишнинг ҳам ўзига
хос машаққатлари бор. Бу ишларда нафақат аёллар,
турмуш уртоғимиз, фарзандларимиз, келинларимиз
ҳам камарбаста бўлишди. Тўғриси айтсам, бугун
ипак қурти боқаман, дейдиганлар сафи кенгайиб борапти.
Чунки пиллакорларимиз ҳар доимгидан ҳам кўп даромад
олишяпти. Бу йилги пилла мавсумида 80 миллион сўм фойда
кўрдик. Соҳадаги ислохотлар натижасида пиллачиликка эъти-
бор ошиб, хотин-қизлар бандлиги таъминланяпти.

Давлатимиз раҳбарининг тизимга эътибори ва пиллакор-
ларни қўллаб-қувватлаётгани, солиқлардан озод этиши, иш
стажи ёзилмаётгани, энг асосийси, манфаатдорлик ошганини
барчамиз ҳис қиляпмиз.

Умуман, жорий йилда пиллачиликда кунлик сўров тизими
жорий қилинди. Ипак қурти уруғини тарқатишдан, то териб
олишгача бўлган ишлар устида кундалик мониторинг тизи-
ми йўлга қўйилди. Утган йили анчадан буён кесилмаган тут
дарахтларини ёшартириш учун кесиш ишлари амалга оши-
рилди ва пиллачиликнинг озука базаси мустаҳкамланди.



Ҳукумат қарорига асосан, УҚОТАР ҚҲРОЛЛАРНИ ЎЗ ИХТИЁРИ БИЛАН ТОПШИРГАН шахслар мукофотланади.



Ўзбекистонда уч ой давомида ИККИЛАМЧИ БОЗОРДАГИ УЙ-ЖОЙ НАРХЛАРИ 3 фоизгача ошди.



Тошкент ва Самарқандда ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРГА ТЎЛАНАДИГАН “ИЖАРА ПУЛИ” 25 фоизга оширилади.

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

Mahalla №55

5

“ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



ХУШХАБАР

Қирғизистоннинг Иссиқкўл вилоятида бўлиб ўтган “Central and North Asian Chess Championship-2026” мусобақаси Ўзбекистон шахматчилари учун яна бир ёрқин ғалаба саҳифасига айланди.

Ёш шахматчилар ОСИЁДА ТЕНГСИЗ бўлди!



Терма жамоамиз аъзолари жами 11 та — 4 та олтин, 5 та кумуш ва 2 та бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу натижа нафақат ёш шахматчиларнинг иқтидори, балки уларнинг машаққатли меҳнати, устозлари ва ота-оналарининг бекиёё меҳри самарасидир.

Айниқса, Сайфиддин Эркинбоев, Иброҳим Жуманазаров, Малика Норқулова ҳамда Зилола Актамова чемпионлик шох-супасига кўтарилиб, юртимиз байроғини баланд кўтарди.

Шунингдек, Комилжон Муртазоев, Фазлиддин Фарҳодов, Акбар Мустафоқулов, Шавкатжон Абдуҳоликов, Малика Жумаева кумуш, Хондамир Элмирзаев ва Нигина Худойбердиева бронза медалларини қўлга киритиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Ҳар бир ғалаба ортида меҳнат, сабр ва матонат мужассам. Бу ғалабалар келажакда янада улкан зафарларга илҳом бағишлаши шубҳасиз.

ЕТАКЧИ — ЁШЛАРГА

Ёшларнинг иш топгани эмас, ИШ БЕРУВЧИГА АЙЛАНГАНИ — муҳим натижа!

Бугун ёшларимизга қараб қувонасан, кўнглинг ёришади. Кечагина иш излаб юрган йигит-қизлар айна кезде бошқаларга иш бераётганини кўришнинг ўзи катта бахт. Энг муҳими, улар имкониятни кутиб ўтирмаяпти, берилган ишончни меҳнат билан оқлаяпти.



ҚАШҚАДАРЁ

Аҳмаджон АҲМЕДОВ, Шахрисабз шаҳридаги “Бўстон” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Маҳалламизда ҳам шундай ташаббускор ёшлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг гояларини қўллаб-қувватлимиз ўз самарасини бера бошлади.

Маҳалламизда фаолият юритаётган “Анхор-Кеш” МЧЖ ана шундай ташаббусларнинг ёрқин намунаси бўлди. Ёш тадбиркор Санжар Баратовнинг гояси маҳалламиз ёшларининг бандлигини таъминлаш мақсадида қўллаб-қувватланди. Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 4 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Мазкур маблағ эвазига Хитой ва Туркиядан замонавий технологик ускуналар олиб келиниб, дуккакли ва кунгабоқар маҳсулотларини қайта ишлаш заводи ташкил этилди. Бугунги кунда корхонада писта маҳсулотларини саралаш ва замонавий қадоқлаш жараёнлари йўлга қўйилган. Энг муҳими, 37 нафар ёш доимий иш ўрнига эга бўлди. Уларнинг ойлик даромади 3 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача етади.

Санжар Баратовнинг мақсади фақат ишлаб чиқариш билан чекланмайдди. У хомашёни ўзи етиштириб, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида бозорга чиқариш орқали тўлиқ ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи. Ҳозир корхонанинг Тошкент ва Самарқанддаги филиаллари фаолият юритмоқда. Яқинда Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида ҳам шундай корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ШОШҚАЛОҚЛИК ЭМАС, вақт ва сабр — энг тўғри ечим!

Кексаларимиз “оила сири оила ичида қолиши керак”, деб бежиз айтмаган. Илгари хонадондан баланд овоз чиқса, эру хотин бунинг ўзиёқ уят эканини ҳис қилиб, катталар олдида бош эгарди. Муаммолар кўчага олиб чиқилмас, сабр ва оқилона маслаҳат билан ҳал этиларди. Бугун эса айрим оилаларда энг кичик келишмовчилик ҳам маҳаллагача етиб келмоқда. Сабабини сўрасангиз, “дунёқарашимиз мос келмади”, деган жавобни эшитасиз...

Исроил ХАЛИЛОВ, Зангиота туманидаги “Тариқ-тешар” маҳалласи раиси.

Аслида, икки бегона инсон бир том остида яшашни бошлагач, уларнинг феъл-атвори, дунёқарашини, одатлари турлича бўлиши табиий. Оила бирданига қурилиб қолмайди, у сабр, меҳр ва ўзаро ҳурмат билан бунёд бўлади. Ҳаётнинг синови кунлари ҳам бўлади. Шундай пайтларда шошқалоқлик эмас, вақт ва сабр энг тўғри ечимни топади. Вақт ўтгани сайин бир-бирини тушунишга интиланган эр-хотинларнинг нафақат феъл-атвори, балки қарашлари, ҳаётга муносабати ҳам бир-бирига уйғунлашиб боради.

Бугун маҳалламизда ана шундай икки оилани яраштириш устида иш олиб бораёмиз. Бундан олдин ҳам онахон ва отахонларимизнинг ҳаётий тажрибаси, насиҳатлари билан бир нечта оилани ажралиш ёқасидан қайтарганмиз. Биз учун энг катта ютуқ — бузилмай қолган оила, ота-онаси бағрида улғаяётган фарзанддир. Чунки тирик етим бўлиб қолган боланинг армонини ҳеч қандай бойлик боса олмайди.

Маҳалламизда бугунги кунда 2 минг 808 нафар аҳоли истикомат қилади. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида тизимли иш олиб бориляпти. Ишсизлик деярли йўқ. Маҳалламиз атрофида жойлашган савдо расталари, хизмат кўрсатиш шохбачалари кўплаб фуқаролар учун доимий даромад манбаидир. Айниқса, хотин-қизлар бандлигига алоҳида эътибор қаратамиз. Кўплаб хонадонларда тиқувчилик йўлга қўйилган. Аёлларимиз миллий либослар, мактаб ва болалар кийимлари, уй-рўзғор учун зарур тиқув маҳсулотларини тайёрлаб, нафақат ўз оиласининг даромадини оширмоқда, балки бошқаларга ҳам иш ўрни яратяпти.

Маҳалламизда ёрдамга муҳтож фуқаролар — доимо эътиборимиз марказида. Мисол учун, Одил Тоштемировнинг уй-жойини таъмирлаш учун 18 миллион сўм маблағ ажратилди. Моддий аҳоли оғир оилалар фарзандларига мавсумий кийим-кечак ва зарур буюмлар етказиб берилди. Шунингдек, Дилшод Тўлагановнинг ижтимоий аҳоли иноватга олиниб, унга моддий кўмак кўрсатилди.




Маҳалламиз ободлигида “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси алоҳида ўрин тутмоқда. Тўрт маротаба ғолиб бўлишимиз натижасида ички йўллар тўлиқ таъмирланиб, равон ва қулай ҳолга келтирилди. Замонавий пиёдалар йўлакларини барпо этилиб, хавфсиз ҳаракатланиш учун муносиб шароит яратилди. Электр тармоқлари янгиланиб, ичимлик сув тармоғи тортилди. Бу ишларнинг барчаси маҳалламиз киёфасини ўзгартириб, одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қияпти.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Қосим САЪДУЛЛАЕВ, Наманган вилояти:

— Мен муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганман ва шу вақтда тўлов-шартнома асосида олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиндим. Шартнома пулини тўлашга имкониятим чекланган. Шу ҳолатда менга таълим кредити ажратиладими?

Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шахноза ХАЛИЛОВА тайёрлади.



Олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири — “М-39” автомобил йўли бўлиб ҳаракат хавфсизлигини янада кучайтиришдир. Бунинг учун автомобиллар қатновига ҳалақит бермайдиган ерости йўлаги ёки туннел барпо этиш, унинг устки қисмида эса замонавий пиёдалар кўпригини қуриш зарур. Бу нафақат қулайлик яратади, балки энг муҳими, инсон ҳаётини асрашга хизмат қилади. Бизнинг барча саъй-ҳаракатларимизнинг асл мақсади ҳам шу — тинч ва мустақкам оилалар, обод маҳалла ҳамда эртанги кунга ишонч билан боқадиган бахтли инсонлар ҳаётини барпо этишдир.

Армияда ўқишга кирганларга ТАЪЛИМ КРЕДИТИ бериладими?

Азизбек ТУРСУНОВ, ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида олий таълим ташкилотининг бакалаврият босқичи масофавий таълим шаклига тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган бўлсангиз, шартнома маблағини тўлаш учун имтиёзли таълим кредити олиш ҳуқуқига эгасиз.

Бу ҳуқуқ сизга Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ нуфузи ва жозибдорлигини ошириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида тақдим этилади. Унга қўра, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга

хизматни ўташ даврида олий таълим ташкилотларининг масофавий таълим шаклига аби-туриент сифатида рўйхатдан ўтиш, кириш имтиҳонларида қатнашиш ва натижаларига қўра ўқишга қабул қилинишга рухсат этилган. Шунингдек, тўлов-шартнома асосида ўқишга қабул қилинган аскарларга қонунчиликда белгиланган тартибда имтиёзли таълим кредити ажратилиши белгиланган.

Имтиёзли таълим кредитидан фойдаланиш учун, аввало, олий таълим ташкилотига ўқишга қабул қилинганини тасдиқловчи шартнома расмийлаштирилади. Шундан сўнг, тўлов-шартнома ва талаб этиладиган бошқа ҳужжатлар билан банкка мурожаат қила-сиз.



Янги қонун билан болага зўравонлик қилган ўқитувчи ва тарбиячилар 1 йил педагогик фаолият билан шуғуллана олмаслиги белгиланмоқда.



Зўравонликдан жабрланганларни махсус марказларга жойлаштириш муддати 30 кундан 6 ойгача узайтирилади.



Тиббий жиҳозларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларини расмийлаштиришга қўйиладиган янги талаблар тасдиқланди.

6

Mahalla №55

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА — ИЖТИМОИЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚ — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТАМОЙИЛИ

Маҳаллаларда фаолият юритаётган ижтимоий ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли кўплаб инсонлар ҳаётида янги умид, янги имконият ва янги саҳифалар очилмоқда. Жондор туманидаги “Қозикент” маҳалласида амалга оширилаётган эзгу ишлар ана шу ғояларнинг амалий ифодаси сифатида эътирофга лойиқ.

Бир кишига берилган кўмак —

КўПЛАБ ИНСОНЛАРГА УМИД ВА ДАСТАК

Зариф КОМИЛОВ,
журналист.

Мазкур маҳалла ижтимоий ходими Салоҳиддин Баҳриддинов аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, эҳтиёжманд оилаларни кўлаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш сифати ва жамиятдаги фаоллигини ошириш борасида манзилли ва тизимли ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда 3 375 нафар аҳоли истиқомат қиладиган маҳаллада 80 нафар ногиронлиги бўлган шахс ҳамда 3 нафар ёлғиз кекса доимий ижтимоий хизматлар билан қамраб олинган. Бу эса ҳар бир эҳтиёжманд инсон давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаётганининг амалий тасдиғидир.

Натижада унга замонавий электр юритмали ногиронлик аравачаси топширилди. Бу нафақат аёлнинг мустақил ҳаракатлини таъминлади, балки ташқи дунё билан мулоқот қилиш, жамоат ҳаётида фаол иштирок этиш ва ўз имкониятларига бўлган ишончини қайта тиклашга хизмат қилмоқда.

Дилдора опанинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида санаторийда даволаниши ташкил этилди, психологик кўлаб-қувватлаш хизмати кўрсатилди. Бу эса ижтимоий хизматлар фақат моддий ёрдам эмас, балки инсоннинг руҳий барқарорлиги ва ҳаётга бўлган ишончини мустаҳкамлашга ҳам қаратилганини намоён этди.

Оиланинг ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида унинг келини расман қаровчи сифатида расмийлаштирилди. Эндиликда у қайнопасига меҳр ва садоқат билан ғамхўрлик қилиш баробарида меҳнат стажига ҳам эга бўлмоқда. Шунингдек, оилага электр энергияси ва табиий газ тўловлари учун компенсация тайинланиб, ҳомийлар томонидан моддий ёрдамлар кўрсатилди.



“Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида 5 нафар фуқаро зарур ижтимоий хизматларга жалб этилди. Шунингдек, 4 нафар ногиронлиги бўлган шахс адаптив спорт машғулотларига йўналтирилди. Бу орқали уларнинг жисмоний соғлигини мустаҳкамлаш, руҳий барқарорлигини ошириш ҳамда жамиятга фаол мислловчилик кенг имконият яратилди.

Бу эзгу ишлар орасида Дилдора Давронованинг ҳаёт йўли алоҳида эътиборга сазовор. 1983 йилда туғилган, биринчи гуруҳ ногирони бўлган Дилдора опа йиллар давомида ҳаракатланишда катта қийинчиликларга дуч келган эди. Маҳалла ижтимоий ходими унинг ҳаётий эҳтиёжларини чуқур ўрганиб, индивидуал ижтимоий хизмат режасини ишлаб чиқди.

Лекин энг катта ютуқ шундаки, ижтимоий кўлаб-қувватлаш фақат ёрдам бериш билан чекланиб қолмади. Маҳаллада амалга оширилган лойиҳа доирасида Дилдора опага буш ер майдони ажратилиб, тикувчилик цехи ташкил этилди. Бугун ушбу цех унинг даромад манбаи бўлиш билан бирга, бошқалар учун ҳам имконият эшигини очган хўнарамдчилик масканига айланди.

Айни пайтда Дилдора опанинг етти нафар шогирди бор. Улар орасида эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳам мавжуд бўлиб, тикувчилик сирларини мутлақо бепул ўрганимоқда. Демак, бир инсонга яратилган имконият бугун яна етти нафар ёшнинг келажагига йўл очмоқда. Бу эса ижтимоий ҳомоянинг энг юксак натижаси — инсонни боқиманда эмас, балки жамиятга наф келтирадиган шахсга айлантиришдир.

ФАОЛ ҲАЁТГА ҚАДАМ

“МУАММОНИ ВАҚТИНЧА ЭМАС, БАТАМОМ ҲАЛ ҚИЛИШ МУҲИМРОҚ”



Мен Боёвут туманида туғилиб ўсганман. Ҳозирда Гулистон давлат университети Психология ва ижтимоий фанлар факультети талабасиман. Фаолиятимни мактабгача таълим соҳасида бошлаган бўлсам-да, инсонларга яқиндан ёрдам бериш истаги мени ижтимоий ҳимоя тизимиغا етаклади.

Жумагул ЖУМАЕВА,
Гулистон шаҳридаги “Тараққиёт” маҳалласи ижтимоий ходими.

Бир кунги ногиронлик аравачасида ҳаракатланувчи, ёлғиз яшовчи инсонга кўрсатган оддий ёрдамидан кейин у “Сиз менга куч бердингиз”, деган эди. Ана шу сўзлар ҳаётимдаги энг катта илҳомлантирувчи кучга айланди. Шу кундан бошлаб ижтимоий хизмат соҳасини ўз тақдир йўли сифатида танладим.

Бугунги кунда Гулистон шаҳрининг “Тараққиёт” маҳалласида комплекс ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича фаолият юритяпман. Худудимизда 3 520 нафар аҳоли, 1 634 та оила истиқомат қилади. Улар орасида алоҳида эътибор талаб қиладиган тоифадаги фуқаролар билан манзилли ишлаш энг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Ижтимоий реестрга киритилган 93 та оила мавжуд бўлиб, уларнинг 36 таси давлат таъминотидаги, 51 таси камбағал ҳамда 6 таси камбағаллик чегарасидаги оила ҳисобланади. Ҳар бир хонадоннинг ҳаётий вазияти алоҳида ўрганилади, эҳтиёжлари таҳлил қилиниб, уларга мос хизматлар ташкил этилади.

Маҳалладаги 161 нафар ногиронлиги бўлган шахс билан ишлашда нафақат ижтимоий хизмат, балки инсоний муносабат ҳам катта аҳамиятга эга. Ўтган давр мобайнида уларнинг 6 нафарига протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация қилишнинг техник воситалари тақдим этилди. Бу уларнинг мустақил ҳаракатлини, кундалик ҳаётдаги фаоллигини ошириш ва турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан 4 нафар фуқаронинг даволаниши, жарроҳлик амалиётига маблағ ажратилди. 20 нафар эҳтиёжманд оилага озиқ-овқат махсулотлари, 9 нафар фуқарога кийим-кечак учун моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, 2 нафар фуқаронинг ижара тўловлари қоплаб берилди.

Ижтимоий ишда энг муҳим жиҳатлардан бири — муаммони вақтинча эмас, балки барқарор ҳал қилишдир. Шу мақсадда 12 та оила бўйича ижтимоий кейслар очилиб, ҳар бири учун индивидуал режалар ишлаб чиқилди. Бунда асосий эътибор оиланинг эҳтиёжи, имконияти ва келажақда мустақил ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган.

Фаолиятим давомида ногиронлиги бўлган инсонларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратаман. Ташаббусим билан ташкил этилган махсус касб-ҳунар ўқув курсларида 18 нафар ногиронлиги бўлган шахс билим олди. Натижада уларнинг 7 нафари имтиёзли кредит асосида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади, яна 3 нафари иш билан таъминланди. Бу инсонларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилган энг қувонарли натижалардан бири бўлди.

Мен учун муваффақият рақамлар ёки мукофотлар билан эмас, балки инсонларнинг юзидаги табассум билан ўлчанади. Муаммони ҳал бўлган оиланинг миннатдорчилиги, мустақил ҳаёт бошлаган ёшнинг ишончи ёки ногиронлиги бўлган шахснинг орзуларига ишона бошлаши — менинг энг катта ютуғимдир.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ...

“ҲАР КУНИ ЯНГИ МАНЗИЛ, ТАҚДИРЛАР...”

Ижтимоий ходимнинг ҳар бир кунини янги манзилдан, янги тақдирдан бошланади. Бугунги қаҳрамонимиз — Шаҳноза Исматова.

Дилшодбек ШОДИЕВ,
журналист.

У Шаҳрисабз шаҳрининг “Қорасув” маҳалласида ижтимоий ходим лавозимида ишлайди. У ҳар кунини янги манзилдан, янги тақдирдан бошлайди. Фаолияти давомида 45 дан зиёд оилага кейс очиб, индивидуал режа тузган ва зарурий хизматлар кўрсатиб келяпти.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Шаҳноза РАҲИМҲУЖАЕВА
тайёрлади.


Лазиз Жўраев I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатида туради. Ижтимоий ходим фуқаронинг оилавий шароитини ўрганди. Оила Ижтимоий реестрга киритилиб, унинг ҳаракатланишида қулай бўлиши учун хассас берилди. Шунингдек, “Фаол ҳаётга қадам” дастури доирасида уйга қараб туриш хизмати билан қамраб оlinиб, турмуш ўртоғи қаровчи қилиб бириктирилди. Қолаверса, хонадон бекаси Гулчехра опага уйида қатлама ва патириб пишириб сотиши учун савдо дўконлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Лазиз Жўраев электр устага шогирдликка тушиб, уйдаги электр тармоқларни бемалол ўзи тузатяпти. Фуқарода касбий кўникмалар шакллантириляпти.



Энг муҳими, ҳар бир фуқаро ҳаётидаги ўзгариш ва янгилеклардан хурсанд.



Ўзбекистонда
2028 йилгача
ДАВЛАТ
ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ
5 МИНГТА ФУНКЦИЯСИ
рақамлаштирилади.



Ўзбекистонда
заргарлик буюмлари
учун РАҚАМЛИ
МАРКИРОВКАЛАШ
жорий этилиши
мумкин.



Ишлаб чиқарилганига
5 йилдан ошмаган
айрим юк
автомобилларини
ЎЗБЕКИСТОНГА ОЛИБ
КИРИШДА ДАВЛАТ
БОЖИ ОЛИНМАЙДИ.

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

Mahalla №55

7


“ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

СОЛИҚЧИ — КЎМАКЧИ

Бугунги фойдани деб, ЭРТАНГИ КАФОЛАТНИ ЙЎҚОТМАНГ!



Эрталабки режамизга кўра, ҳудуддаги тадбиркорлик субъектларини айланамиз. Навбатдаги манзилимиз қишлоқда фаолият юритаётган мебель ишлаб чиқариш цехи бўлди. Корхонада 18 нафар ишчи ишлайди. Ёғочни қайта ишлаб, стол-стул, эшик ва ошхона мебеллари тайёрланади. Буюртмалар ҳам етарли, иш қизгин.




Хушнуд КАРИМОВ,
Чуст туманидаги “Қорақапа”,
“Бирлик”, “Булоқбоши”,
“Бозорбоши”, “Ариқбўйи”,
“Муноқотпа” маҳаллалари
солиқ инспектори.

миқдори даражасида кўрсатилган. Бироқ ишлаб чиқариш ҳажми, буюртмалар сони ва кун давомида бажарилаётган иш ҳажми бунга мос келмасди.

Корхона раҳбари билан суҳбатлашганимизда, у харажатларни камайтириш учун иш ҳақининг бир қисmini расмий, қолганини эса нақд пулда бераётганини яширмади. Унинг назарида бу корхонага фойда келтираётган эди. Аммо бу қарорнинг энг катта зарарини ишчилар кўраётганини тушунтирдим. Бугун қўлига кўпроқ пул олаётгандек туюлган ходим эртага пенсия

ҳисобланаётганда, меҳнат стажига тасдиқланаётганда ёки ижтимоий нафақаларга мурожаат қилганда айнан расмий иш ҳақи асос қилиб олинади. Қоғоздаги маош паст бўлса, келажакдаги ҳуқуқлари ҳам шунга яраша чекланади.

Корхона раҳбари билан қонунчилик талаблари, яширин иш ҳақи оқибатлари ва бунинг жавобгарлиги ҳақида батафсил суҳбатлашдик. Ҳисоботларни қонуний тартибга келтириш, иш ҳақларини тўлиқ расмийлаштириш бўйича тавсиялар бердик. Орадан вақт ўтиб, корхона ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизими қайта кўриб чиқилди ва расмий иш ҳақлари амалдаги ҳолатга мослаштирилди. Бундай ҳолатлардан кейин айтмоқчи бўлганим, солиқ хизмати фақат камчилик излайдиган тизим эмас. Бизнинг вазифамиз муаммонни ўз вақтида кўриш, унинг оқибатларини тушунтириш ва қонуний ечим топишга кўмаклашишдир.




НАМАНГАН

БИЛАСИЗМИ?

ЧОРВАЧИЛИКда ер солиғи қандай ҳисобланади?

Чорвачилик комплекси эгаллаган ер майдони учун ер солиғи ернинг қайси тоифага киритилгани ва ундан қандай мақсадда фойдаланилаётганига қараб ҳисобланади. Шунинг учун ҳар бир мулкдор, аввало, ер участкасининг тоифаси тўғри расмийлаштирилганига ишонч ҳосил қилиши муҳим.



Агар ер қишлоқ хўжалиги тоифасига кирса, ер солиғи норматив қийматининг 0,95 фоизи миқдорига, яъни қишлоқ хўжалиги ставкаси бўйича ҳисобланади. Ер саноат тоифасида бўлса, солиқ ноқишлоқ хўжалиги ставкаси асосида ҳисобланади. Бироқ саноат тоифаси қўлланилганда ҳар гектар учун тўлиқ 30-40 миллион сўм солиқ тўланади, деган хулосага келиш тўғри эмас.

Амалда қонунчиликда қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи субъектлар, жумладан, чорвачилик комплекслари учун 80 фоизлик имтиёз назарда тутилган. Шу боис ҳисобланган солиқнинг атиги 20 фоизи тўланади.

Масалан, 1 гектар ер учун ҳисобланган солиқ 30 миллион сўмни ташкил этса, имтиёз қўлланилганидан кейин йиллик тўлов тахминан 6 миллион сўмга тушади.

Агар ердан фойдаланиш мақсади ҳужжатларда тўғри акс этмаган бўлса, кадастр ташкилотларига мурожаат қилиб, уни чорвачилик фаолиятига мувофиқ расмийлаштириш тавсия этилади. Шундан кейин солиқ миқдори тўғридан-тўғри амалдаги тартиб асосида қайта ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 4 435 та чорвачилик объекти фаолият юритмоқда. Уларнинг 3 371 таси ер солиғини қишлоқ хўжалиги ставкаси бўйича тўлаб келмоқда.

ТАҲЛИЛ

Бозорларда очиклик РАҚАМЛИ ТИЗИМДАН БОШЛАНАДИ

Бозорга кирган одам, биринчи навбатда, нархни эмас, тартибни сезади. Савдо ўрнини излаб юрган тадбиркор, қаерда бўш жой борлигини билолмай сарсон бўлса ёки бирор муаммосини айтиш учун кунлаб бозор маъмурияти ортидан югурса, бу нафақат вақтнинг, балки ишончнинг ҳам йўқотади.



Оддий харидор учун ҳам, тадбиркор учун ҳам бозор адолатли ва шаффоф ишлаши муҳим. Шунинг учун бозорлар фаолиятини рақамлаштириш бугунги кунда фақат замон талабигагина бўлиб қолмай, одамларнинг кундалик ҳаётини енгиллаштирадиган муҳим эҳтиёжга ҳам айланди. “Бозорлар ва савдо комплексларида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ҳамда маиший коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Хукумат қарори айлани мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ, 2026 йил 1 октябргача “Е-bozor” ягона рақамли бозор платформаси синов тарзида ишга туширилади, 2027 йил 1 мартгача эса тўлиқ фаолият бошлайди. Бу платформани

оддий қилиб айтганда, бозорларга оид барча асосий маълумотларни бир жойда жамлайдиган электрон тизим, деб тушуниш мумкин. Энди қайси бозорда қанча савдо ўрни бор, уларнинг қайси бири бўш, бозорнинг манзили ёки бошқа муҳим маълумотларни топиш учун турли эшикларни тақиллатишга ҳожат қолмайди. Барчаси очик ва электрон шаклда эълон қилинади.

Платформанинг яна бир муҳим жиҳати — одамлар билан мулоқотни оsonлаштиришидир. Агар фуқарода бозор фаолияти юзасидан савол, таклиф ёки шикоят бўлса, уни электрон тарзда юбориши ва жавобини ҳам шу орқали олиши мумкин. Бу эса мурожаатлар йўқолиб ёки эътиборсиз қолиши каби ҳолатларни камайтиради. Энг муҳими, ҳар бир мурожаат қайд этилади ва унинг ижросини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

“Е-bozor” платформасининг “Солиқ” ахборот тизимлари маж-

муаси таркибида ишлаши ҳам бежиз эмас. Бу орқали бозорлардаги иқтисодий жараёнлар аниқроқ ҳисобга олинади, маълумотлар бир-бири билан уйғунлашади ва назорат самарадорлиги ошади. Шу билан бирга, ҳар бир бозор ва савдо комплексига солиқ ходимлари бириктирилиб, уларнинг иш фаолияти кунлик таҳлил қилиб борилади. Бунинг асосий мақсади жазолаш эмас, балки қонун талабларига амал қилиниши ва бозорларда тартиб сақланишини таъминлашдир.

Қарорда ҳайдовчилар учун ҳам енгиллик яратувчи янгилеклар назарда тутилган. Бозорлар ҳудудидаги автотранспортларни вақтинча сақлаш жойларида тўловлар ягона QR-код орқали амалга оширилади. Бу нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишни камайтиради, тўловларни шаффофлаштиради ва ортқича тортишувларга ўрин қолдирмайди.

Мурод АЛИЕВ.
Жиззах вилояти:

— Менда якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган 6 сотих ер участкаси ва унда қурилган тураржой бор. Шу ҳовлимда автосервис ёки мой алмаштириш шохобчаси очсам бўладими?

Тураржойда авто устахона очиш мумкинми?




Бобур ИСМОИЛОВ,
Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— Сизнинг ҳолатингизда автомашиналарга техник хизмат кўрсатиш (автосервис, мой алмаштириш, таъмирлаш устахонаси) фаолиятини тураржой сифатида расмийлаштирилган объектда амалга ошириш мумкин эмас. Бундай фаолият тадбиркорлик ҳисобланади ва у, қоида тариқасида, нотураж жойда ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилиши лозим.

Бунинг учун аввал тураржой объектнинг ихтисослашувини нотураж жойга ўзгартириш талаб этилади. Бундай рухсатни олишда объектнинг техник ҳолати ижобий хулосага эга бўлиши, унга нисбатан тақий ёки хатлов мавжуд бўлмаслиги, шаҳарсозлик меъёрлари бузилмаслиги, алоҳида кириш йўлагини ташкил этиш имкони бўлиши ҳамда объектнинг мақсади ер участкасидан рухсат этилган фойдаланиш турига мувофиқ келиши каби талаблар ҳисобга олинади.

Саҳифани
“Mahalla” мухбири
Шаҳноза ХАЛИЛОВА
тайёрлади.



Агар уйингиз ушбу талабларга жавоб берса, уни нотураж жойга ўтказиш учун туман (шаҳар) Давлат хизматлари марказига мурожаат қилишингиз ёки электрон тарзда ариза юборишингиз мумкин.



Тошкентда хорижликларни КРИПТОВАЛЮТА ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ОРҚАЛИ АЛДАБ КЕЛГАН ИККИТА НОҚОНУНИЙ Call-марказ фoш этилди.



Ишлаб чиқарилганига 30 йилдан ошган машиналар учун МАЖБУРИЙ КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛАШ ТАРТИБИ лойиҳадан чиқарилди.



Навоийда зарарли иловалар орқали 21 нафар фуқаронинг 336 МИЛЛИОН СЎМИНИ ЎЗЛАШТИРГАН ГУРУҲ ушланди.

8

Mahalla

№55

2026 йил
11 июль,
ШАНБА

“МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА,
ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ШАРОИТ, ҲУДУД ВА ИМКОНИЯТ БИР,

АММО НАТИЖА НЕГА ҲАР ХИЛ?

БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ

Давлат яратиб берган шароитлар, қонун устуворлиги ва маҳалладаги муҳит мутлақо бир хил. Хизмат вазиғлари ва бериладиган топшириқлар ҳам ягона тизимга асосланган. Аммо нима учун бир ҳудудда фаолият олиб бораётган икки нафар профилактика инспекторининг иш натижалари бир-биридан кескин фарқ қилади? Нега бирининг маҳалласида осойишталик ҳукмрон бўлиб, жиноятчилик жиловланган, иккинчиси эса муаммолар гирдобидан чиқа олмаяпти?

Хайрулло
АБДУРАҲМОНОВ.



ТОШКЕНТ Ш.

Ўғрилар учун каттароқ жиноятга журят ва йўл очиб беради.

Масалан, куни кеча хонадонларни айланиб юриб, кўп қаватли уйнинг йўлагига қўлфланмаган, ташлаб кетилган болалар аравчасини кўриб қолдим. Суриштирсам, ёш она фарзандини уйга олиб кириб, “ичкарига бирровга кириб чиққунча ҳеч нарса қилмас”, деган фикрда қолдириб кетибди. Унга вазиятни ётиғи билан тушунтирдим. Оддий бир буюм кўрингани билан, эшиги очик йўлакда қаровсиз ётган аравача ўғри учун тайёр ўлжа, эканини уқтирдим. Агар мебель еки аравача қўлфлаб, занжирлаб қўйилса, жиноятчи унга яқинлаша олмаслигини таъкидладим. Шундан бери ҳар бир хонадон эгаси кечқурун уйга киргандан эринмасдан аравача ва велосипедларни ичкарига олиб кириб қўймоқда.

Иккинчи воқеа янада кўп ташвишга солди. Иш юзасидан юриб, кўча бўйида янги “BYD” русумли автомобилни кўриб қолдим. Яқинроқ бориб қарасам, ойналари очик, эшиклари қўлфланмаган. Энг даҳшатлиси, калити ҳам шундоққина ўт олдириш жойида турибди. Ичидан ҳеч ким йўқ. Бу ўғрига “келинг, машинани миниб кетинг”, деб таклифнома ёзиш билан баробар эди. Зудлик билан телефон орқали ҳайдовчига боғландим. Эгаси шошиб чиқиб келди. Ранги учиб кетган, “Ака, шундоқ савдо марказига бирровга кирувдим, хаёл билан калит эсимдан чиқибди”, деди.



Тўғри, унутиш инсонга хос, лекин ўғрилик содир бўлиши учун атиги бир неча сония кифоя. Шу боис маҳаллада бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида “Қўшни қўшнига кўз-қулоқ” тамойили йўлга қўйилган экан. Ташаббус орқали кимнидир машинанинг ойнаси очик қолган бўлса, уни кўрган бошқа қўшни безътибор ўтиб кетмайди. Дарров автомобиль эгасига кўнғироқ қилади ёки маҳалла гуруҳига ёзади.

“ХОНАДАН ЧИҚИБ, ХОНАДОНЛАРГА КИРИБ БОРДИК,
САМАРАГА ЭРИШДИК”

...Одатдаги иш куним, оқшом пайти маҳаллаимиз чеккасида, чегара ҳудудига яқин жойда шубҳали бир кимса пайдо бўлди. Буни пайқаган сергак маҳалладошимиз дарҳол “Менинг инспекторим” мобил иловаси орқали хабар йўллади. Зудлик билан ўша манзилга етиб бордик. Суриштирувда у миграция қоидаларини бузиб юрган хориж фуқароси бўлиб чиқди. Унга қонуний чора кўрилди.

Абдужаббор ЭШБОЕВ,
Термиз туманидаги
“Гулбахор” маҳалласи
профилактика инспектори.

Биз, профилактика инспекторлари учун энг катта бахт ва олий мукофот — ўзимиз масъул бўлган маҳалла аҳлининг хотиржамлиги, эртабки тинчлик ва оилалардаги тотувликдир. Юртимизда ўтказилаётган “Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлги аҳоли билан янада яқин бўлиш, муаммоларни ўрганиш учун жуда катта имконият берди. Шу биргина тадбир ўнлаб жиноятларнинг олдини олиш, оилалар тинчлигини сақлаб қолишда муҳим омил бўляпти.

Очигини айтмаган, хавфсиз муҳитни фақатгина хонада ўтириб, қоғоз тўлдириш ёки кимнидир жазолаш билан яратиб бўлмайди. Тинчлик — хонадонма-хонадон юриш, одамларнинг дардини эшитиш ва жиноят сабабларини барвақт сезиб, уларни бартараф этиш орқали таъминланади.

Тўрт минг нафардан зиёд аҳоли яшайдиган маҳаллаимиз

Тожикистон ва Афғонистон билан чегара ҳудуд ҳисобланади. Табиийки, бу зиммаимиздаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Сурхондарёнинг мана шу дарвозасида доимо сергак ва огоҳ бўлиш жуда муҳим. Шу боис хавфсизлиқни таъминлашга қаратилган тадбирлар бизда тез-тез ўтказилади.



“Хавфсиз ва соғлом юрт” ойлги доирасидаги тадбирларда маҳалладошларимиз, нуронийларимиз бизга елкама-елка туриб кўмаклашяпти. Ҳар бир кўчада, ҳар бир хонадонда бўлиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш нафақат менинг, балки барчанинг бурчи эканлигини тушунтирапмиз.

Ҳозир ички ишлар тизими ходимлари, ҳарбий хизматчи-

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

лар, маҳалла фаолларидан иборат ишчи гуруҳи билан манзилли ўрганишлар олиб борапмиз. Бу шунчаки текширув эмас, балки инсоний мулоқот. Низоли оилалар, муқаддам судланган шахслар, профилактик ҳисобда турувчи фуқаролар ҳамда узоқ муддатга хорижга кетганларнинг яшаш манзили кўздан кечирилиб, улар билан индивидуал суҳбатлашяпмиз. Чегара олди ҳудуди бўлганимиз боис, ҳарбий хизматчилар билан ҳамкорликда тозалаш тадбирларини доимий йўлга қўйганимиз.



Технология асрида ишимизни рақамлаштириш ҳам катта ёрдам берапти. Аксарият аҳоли вакиллари “Менинг инспекторим” мобил иловасига улангани фаолиятимиз самарадорлигини оширди.

Энди одамлар навбат қутиб ўтирмайди, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ҳақида тезкор маълумот олиш имкониятига эгамиз. Шу кунларда хавфсизлиқни янада қучайтириш учун маҳаллаимиз кўчаларининг кириш ва чиқиш жойларига замонавий кузатув камералари ўрнатишни режалаштиряпмиз.



Саҳифани
“Mahalla” муҳбири
Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ
тайёрлади.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳих Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:
Лазиз Мейликов
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри
Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарк» НМАК
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди ва
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.
8 324 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-720

